

килингдан, "Истеъмолчи"дан шартномада курсатилган микдордан ортикча истеъмол килинган энергиянинг жами хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари микдорда тулов ундирилади.

3.12. "Истеъмолчи" "Корхона" билан биргаликда хар ойда, хисоб-китоб даври тамом булгандан кейин беш кун мобайнида узаро хисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади

3.13. "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш куйидаги холларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар уз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун карздорлик мавжуд булганда;

"Бюро" талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, шунинг тегишли вақтларига хисоблагичлар курсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

хисоблагичлар каеддан бузилганда, курсаткичларни узгартириш максидидауларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талои-торож килиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа холатлари аниқланганда.

3.14. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб "Истеъмолчи"ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб мавжуд карздорлик ва тулов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари микдорда тулов ундирилгандан сунг қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНХАТга уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармоқдан ажратиш ва улаш имкони бор истеъмолчилардир).

3.16. Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида (шартномада белгиланган муддатларда) туламаса, Корхона муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,1 фоизи микдорда (Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) лекин муддати ўтказиб юборилган суммасининг 50 фоизи ортик булмаган микдорда шарт билан пеня тўлайди.

3.17. Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортикча тўловлар тегишли тариф) буйича кВт соатларда қайта хисоблаб чиқилади ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. "Истеъмолчи" куйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартномага мувофиқ "Корхона" электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

"Корхона"та истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш буйича таклиф мулжалланаётган узгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тулик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат курсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ булмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун туланган суммани қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда зарарни қоплашни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки буйсуниши буйича юқори ташкилотга

(мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. "Истеъмолчи" куйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақтўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, асбоблар электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақлашини,

шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилишини таъминлаш,

"Корхона"га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

"Бюро" ва "Ўзэнергоинспекция" нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда "Бюро" ва (ёки) "Корхона" нинг тегишли вақтига хисоблагичларни қуришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушуриладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамада бир ой олдин

энергиянинг зарур микдори учун "Корхона"га шартнома бериш;

келгуси йил учун энергияга булган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, махсулот ишлаб чиқариш

(ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга.

шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб "Истеъмолчи"ларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори булган қувватга уланган "Истеъмолчи" истеъмол қилинаётган қувватнинг хар

суткаликхаройлик сарфи ва амалдаги микдори, энергетика тизимининг энг қулу ва энг кам юқламали даврларида реактив энергия

ва қувватнинг хар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг қулу юқламасининг утиш даврида актив энергия (қувват)нинг хар

30 дақиқадаги сарфини хисобга олиши ва "Корхона"нинг талабига қура хабар қилиши шарт

"Истеъмолчи" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона куйидаги ҳуқуқларга эга:

"Истеъмолчи"дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш; ушбу шартнома

шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда "Истеъмолчи" томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр ҳужалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд булганда, Бюрони хабардор қилиб "Истеъмолчи" ни учирши "Бюро"

ёзма курсатмасига мувофиқ "Истеъмолчи" ни электр тармоқлардан учирши, шунингдек ЭНХАТга уланган ёки олдиндан тулов

қурилмасига эга хисоблагичи булган "Истеъмолчи"ларни олдиндан тулов тугагандан сунг учирши.

"Корхона" қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. "Корхона" ва Бюро ушбу шартномада курсатилган

ҳолатлардан ташқари бўлган учирши оқибатлари учун жавобгар булмади.

V. Корхона куйидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали "Истеъмолчи"га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган

ҳажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

қурилмаларни, электр узатиш линияларини, хисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат қўлсатиш ва таъмирлаш.

шунингдек узининг электр ҳужалиги объектларидаги носозликларни баргараф қилиш;

электр ҳужалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминогидаги узилишлар тугрисида уч кундан кечикмасдан

огоҳлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тухташлар тугрисида ва тухташларнинг сабаблари тугрисида "Истеъмолчи"га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тугрисида чеклашларни ҳажми ва вақти курсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш; "Истеъмолчи"нинг

энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тугрисидаги аризасини, "Истеъмолчи"дан ариза олинган

кундан ун кундан кечиктирмасдан қуриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тулақонли жавоб йўллаш;

"Истеъмолчи"га етказиб берилган энергия хисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

"Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий

ҳажмига узгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини қупайтириш (қамайитириш) мумкин булмаган тақдирда -

бу ҳақда, рад этиш сабабларини курсатган ҳолда "Истеъмолчи"га хабар қилиш;

"Истеъмолчи"га урнатилган хисоблагичларни алмаштиришни урнатишни ва уларга хизмат курсатиш. "Бюро" томонидан уларни

пломбалаш таъминланади;